

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 188-ҳадис

188 – فَأَلَّوْا: عَنْ أَبِي رُقَيْبَةَ تَمِيمِ بْنِ أَوْسٍ الدَّارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الدِّينُ النَّصِيحَةُ» قُلْنَا: لِمَنْ؟ قَالَ: «لِلَّهِ وَلِكِتَابِهِ وَلِرَسُولِهِ وَلِأَيِّمَّةِ الْمُسْلِمِينَ وَعَامَّتِهِمْ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ. [55].

188. Абу Руқайя Тамийм ибн Авс ад-Дорий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Дин насиҳатдир** (холислиқдир)», дедилар. «Кимга?» дедик. **«Аллоҳга, Унинг Китобига, Расулига, муслмонларнинг пешволарига ва барчаларига»**, дедилар».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: «Дин насиҳатдир», дедилар.

«Насиҳат» луғатда «холис», «покиза», «содиқ» маъноларини билдиради. Урфда эса, бир кишининг бошқасига холис ният, содиқлик билан яхши йўл-йўриқларни айтишидир. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг **«Дин насиҳатдир»** деганлари, диннинг асосий мадори насиҳатдан иборатдир, деганларидир. Бу «Ҳаж арафадир» деганларига ўхшайди. Яъни, ҳажнинг мадори, асосий рукни Арафотда туришдир, деганларидир.

Саҳобалар Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламдан бу умумий гапни эшитиб, унинг тафсилотини билмоқчи бўлдилар ва:

«**Ким учун?**» деб сўрадилар.

Яъни, «насиҳат қилсак, ким учун қиламиз?» дедилар. Шунда Расули акрам соллаллоху алайҳи васаллам диннинг мадори бўлмиш насиҳат беш нарсада эканини баён қилиб бердилар:

1. **«Аллоҳ учун»**, яъни, Аллоҳга иймон келтириш, унга шукр қилиш, амрларини бажариб, қайтарганларидан қайтишга ундаб насихат қилишдир.

2. **«У Зотнинг китоби учун»**, яъни, Аллоҳнинг Китоби-Қуръони Каримни ўрганиш, унга амал қилиш ва одамларни ҳам шу ишга ундаб, насихат қилиш.

3. **«У Зотнинг Расули учун»**, яъни, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашиш, у кишининг шариатига, суннатига тобеъ бўлиш, бошқаларни шунга чақириш.

4. «Мусулмонларнинг имомлари учун».

Улар учун насихат қилиш, уларга итоат қилиш, одамларни ҳам шунга чақириш билан бўлади.

5. «Мусулмонларнинг оммаси учун».

Барча мусулмонларга икки дунё саодати, яъни Ислом йўлини кўрсатиб, насихат қилиш бўлади.

Ушбу вазифаларни қилган одам диннинг энг муҳим ишини амалга оширган бўлади. Аммо бу осон иш эмас. Шунинг учун ҳам у диннинг мадори ҳисобланади. Чунки одамлар насихатни ёқтирмайдилар. Айниқса, ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинган нарсалар учун қилинган насихат кўпчиликка хуш келмайди.

Бекорга бу ҳадиси шариф аксар ҳадис китобларида комил иймон сифатлари бобида келмаган. Қачон комил иймон бўлгандагина шундоқ насихат бўлади. Бундоқ насихатлар эса ўз навбатида самара беради. Аллоҳ учун, Аллоҳнинг Китоби ва Расули учун, мусулмонларнинг имомлари учун, оммаси учун насихат қилишни дин деб тушунган жамиятгина олдинга кетади, кўзлаган мақсадига етади.

Агар биз ушбу ҳадиси шарифдан фойда олмоқчи бўлсак, ана ўша тушунчани қайта тирилтироғимиз лозим бўлади. Аллоҳ учун, У Зотнинг китоби учун, У Зотнинг Расули учун, мусулмонларнинг имомлари учун, оммаси учун насихат қилишга ўтишимиз лозим бўлади.

Бу ҳадиснинг ҳикматига бутун дунё жуда муҳтож. Энг аввало, мусулмон олами муҳтож. Мусулмон олами, деб ном олган олам Исломдан узоқлашгани учун, динни насихат, деб билмагани учун турли муаммо ва кулфатларга кўмилиб ётибди.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI